

Судга қадар босқичларда шикоят қилиш ҳуқуқига эга процесс иштирокчилари

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчиси

Мухаммадаминов Жамшидбек Бахтиёрович

Аннотация: Мақолада жиноят процесси судга қадар босқичларида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи прокурорга ёки тадқиқотнинг илмий янгилиги бўлган судга шикоят қилиш институти билан боғлиқ масалалар назарий ва ҳуқуқий асослари ўрганиб чиқилган, шунингдек шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайдиган тегишли тергов ва процессуал ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ёки қарорлар устидан тўғридан-тўғри судга шикоят қилиш тартибини жорий қилиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўз: Судга қадар босқичлар, процессуал ҳаракатлар устидан шикоят қилиш, шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар.

Мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятининг ўсиши, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларининг суд тартибида ҳимоя қилишнинг ривожланиши ва кенгайишига олиб келмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “бизнинг бош мақсадимиз - фақат ҳуқуқий демократик давлат эмас, балки адолатли жамият куриш”⁷⁴.

⁷⁴ Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мурожаатномаси Т.: 2020. Интернет веб манзили: //интернет манзили <http://www.press-service.uz>



Айнан ана шу адолатни ўрнатиш воситаларидан бири жиноят процессуал иштирокчиларнинг судга қадар босқичларда мансабдор шахсларнинг процессуал ҳаракатлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ҳисобланади.

Жиноят процесси судга қадар босқичларда шикоят қилиш ҳуқуқига эга субъектлар доирасини суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар процессуал фаолиятни амалга оширишлари оқибатида ўз ҳуқуқ ва эркинликларига ноқонуний дахл этилган барча процесс иштирокчилари тушунилади.

Процесс иштирокчилари жиноят процесси судга қадар боқичларда жиноий таъқибни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ва қабул қилинган нопроцессуал қарорларидан норози бўлган жиноят содир этганликда гумон қилинувчи ёки айбланувчи шунингдек, жиноят натижасида ўзларига нисбатан жисмоний ҳамда моддий ва маънавий зарар етказилган шахслар (жабрланувчилар) ёхуд жиноят ишини хал қилишда у ёки бу даражада мулкӣ зарар кўрган шахслар (фукаровий даъвогар ва фукаровий жавобгар) нинг бевосита ўзлари ёки вакиллари уларнинг шахсий ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида шикоят қилиш ҳуқуқи қонунчиликда мустаҳкамланган шахслардир. Шикоят қилиш ҳуқуқини амалга оширишда ҳимоячи муҳим ўрин тутди. Юқорида санаб ўтилган субъектлар жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар деб аталади. Шунингдек, “Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар” деб юритилувчи, жиноят иши юритилишида ёрдамчи яъни ташкилий — исботлашга кўмаклашувчи ёки техник функцияни бажарувчи (таржимон, мутахассис, ҳолислар ва экспертлар) шахслар ҳам процесс жараёнида ўзларига нисбатан ҳуқуқлари мансабдор шахслар томонидан бузилган ҳолларда уларнинг ҳам қонунларда шикоят қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Жиноят процесси назариясида шикоят қилувчи субъектларни уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳажмидан келиб чиқиб икки гуруҳга бўлишади яъни: биринчи гуруҳга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, фаолият туридан қатъий назар



хар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорларига нисбатан, яъни тинтув ёки олиб қўйиш ўтказилувчи уй эгалари ёки уни ижарага олувчилар (иш билан процессуал боғланмаган фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотлар), олиб қўйилган ашёларнинг эгалари ёки улардан фойдаланувчи шахслар киритилиши мумкин. Муҳими, тергов қилинаётган жиноят иши билан бирон-бир алоқа бўлса, бас. Аммо шикоят билан арз қилинаётган ҳаракат ёки қарор жиноят ишини тергов қилиш билан боғлиқ бўлиши лозим.

Иккинчи гуруҳга суриштирув ва дастлабки тергов босқичларда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга субъектларга бўлинади. Хусусан, уларнинг юритилаётган ишдан шахсий манфаатдорлиги мавжуд бўлади. С.А.Минаеванинг фикрига кўра, “бундай манфаатдорлик, албатта, иш якунидан бевосита манфаатдор бўлган ва шу туфайли ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш имконини берувчи тегишли процессуал ҳуқуқлар берилган шахслар: айбланувчи, гумонланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва жавобгар, шунингдек, бу шахсларнинг вакилларида бўлади”⁷⁵.

Бизнинг назаримизда ҳам, юқоридаги барча шахслар шикоят қилиш ҳуқуқидан керакли пайтда фойдалана олишларини асоссиз равишда қонунчилик билан чеклаб қўйиш, ҳуқуқи бузилган иштирокчиларнинг тоифаланишига олиб келиши мумкин.

Жиноят процесси судга қадар босқичларда шикоят қилиш институти субъектлари асосан суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам, шикоят қилиш асосан жиноят иши кўзғатилганидан сўнг ёки жинойий тақибни амалга оширувчи давлат органи ёки мансабдор шахснинг чиқарган қарори асосида ишга жалб қилингандан сўнг амалга оширилади.

ЖПКда, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг ва уларнинг ҳимоячиси ёки қонуний вакиллари ёхуд гувоҳ,

⁷⁵ Минаева С.А. Процессуальная деятельность руководителя следственного органа по обеспечению законности в досудебном производстве : дис. ...канд. юрид. наук.– М., 2015. –С. 61.



эксперт, мутахассис, таржимон, холислар учун шикоят қилиш ҳуқуқи жиноят-процессуал қонунчилигида аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, ариза берувчи фақат жиноят ишини қўзғатишни рад этиш устидан шикоят қилишга ҳақли эканлиги ЖПКда тўғридан-тўғри кўрсатилган (333-модда). Бирок, ариза берувчини юқорида қайд этилган шикоят қилиш субъектлари билан бир қаторга қўйиш лозим. Мазкур шахс ҳам жиноят процессининг иштирокчиси деб қаралиши ва унинг шикоят билан муносабат қилиш ҳуқуқи тўла таъминланиши керак⁷⁶. Дарҳақиқат, жиноят процессида содир этилган иштимой хавфли қилмишдан жабр кўрган шахснинг қилган арзи суриштирув босқичидаги ваколатли шахснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлик) ва чиқарилган қарорлари устидан шикоят қилиш имконияти ҳимоя қилиш учун процессуал ҳуқуқлардан фойдаланишда муайян муаммоларга дуч келади. Қачонки суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан жабрланувчи деб топилгандагина, процессуал ҳуқуқий мақомга эга бўлади. Шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор қачон қабул қилиниши жиноят-процессуал қонунида аниқ назарда тутилмаган. Агарда етарли асослар мавжуд бўлгани ҳолда мумкин қадар тезроқ амалга оширилиши лозим. Амалда шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш доим ҳам ўз вақтида юз беравермайди, бундай қарор баъзан дастлабки тергов тамомланишига яқин қабул қилинади. Бундай ҳолат жиноятдан жабрланган шахснинг конституциянинг 35-моддасида белгиланган конституциявий ҳуқуқини тўғридан-тўғри бузиш деб ҳисобланиши тўғри бўларди. Бизнинг назаримизда, бу ҳолда шахснинг ҳуқуқий мақомидан эмас, балки фуқаронинг шикоят қилиш конституциявий ҳуқуқидан келиб чиқиш лозим. Демак, бошқа шахслар ҳам, гарчи уларнинг шикоят қилиш ҳуқуқи қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса-да, суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокурорнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш субъектлари ҳисобланадилар. Улар жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари бўлгани учун шикоят қилиш

⁷⁶ Мамадиев С.Н. Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш. Монография. – Т.: ТДҶОИ нашриёти, 2010. – Б.78.



хуқуқига эга бўлади. Жиноят процесси судгача жиноий таъқибни амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан судлов ишларига жалб қилинган барча процесс иштирокчиларни бир қаторга қўйиш, албатта, ўринли эмас – уларнинг процесс босқичларида иштирок этиш даражаси, шакллари ва функциялари ҳар хил, худди шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилиши ва камситилиши эҳтимоли ва имкониятлари ҳам ҳар хил. Жиноят-процессда иштирок этувчиларнинг ҳуқуқий ҳолати турли-хил бўлишига қарамай, улар иштирокининг замирида муайян умумий жиҳатлар мавжудки, бу уларга тенг ҳуқуқлилиқ, суд ва қонун олдида ҳамманинг тенглиги, қўрилаётган масала ҳам шакл ва мазмунидан қатий назар бир хил муносабатни талаб этади.

Шундай қилиб, шикоят қилиш ҳуқуқи субъектларининг биз кўриб чиққан доираси асосан дастлабки тергов босқичида шаклланади. Лекин бу билан судгача иш юритишда шикоят қилиш ҳуқуқи субъектлари доираси тўла қамраб олинмайди. Сабаби, жиноят процессининг жиноят ишини қўзғатиш босқичи ҳам мавжудлигини эътибордан соқит этмаслик керакки, бу ўз-ўзидан ушбу босқич шикоят қилиш ҳуқуқи субъектлари доирасига алоҳида тўхталиб ўтишни талаб этади.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичида тергов органлари фаолияти қонун йўли билан лозим даражада тартибга солинмаганлиги, шунингдек бу фаолиятга жалб қилинувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати кўп жиҳатдан белгиланмаганлиги мазкур босқичда суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда прокурорнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга субъектлар доирасини аниқлашни анча қийинлаштиради.

Амалда жиноят ишини қўзғатиш босқичида жиноят иши қўзғатиш ёки жиноят иши қўзғатишни рад этиш масаласи аризачи, жабрланувчи, шунингдек, қайси шахсга нисбатан ҳал қилинаётган бўлса ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахслар таржимон, мутахассис, ҳолислар ва экспертлар суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокурорнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган асосий субъектлар ҳисобланишади.

Бироқ, амалдаги ЖПКнинг 54-моддасига биноан, судга қадар босқичларда жиноят иши қўзғатилганидан кейин жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор чиқаргандан сўнггина жабрланувчи деган иштирокчи пайдо бўлади. Бу ўринда мутахассисларнинг фикрича, “Жиноят оқибатида зиён кўрган шахс жиноят ишини қўзғатиш босқичида жабр кўрувчи деб аталса, тўғрироқ бўлар эди”⁷⁷. Ҳақиқаттан ҳам, улар жабрланувчи сифатида эътироф этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунига қадар жиноятдан жабрланган шахснинг ҳуқуқий мақомига эга бўлиш ҳуқуқидан фойдаланиши лозим. Шикоят қилиш ҳуқуқи процесснинг фақат кўриб чиқилаётган босқичида учрайдиган субъектлардан жиноят ҳақида ариза берган шахслар учунгина қонунда аниқ белгилаб қўйилган. Бироқ, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, аризачининг тергов органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг бошқа процессуал қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи қонуннинг бошқа бирон-бир жойида кўрсатиб ўтилмаган.

ЖПКда назарда тутилган тартибда фуқароларнинг шикоятлари билан бир қаторда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг шикоятлари ҳам кўриб чиқилиши лозим, чунки жиноят ишлари бўйича судлов ишларини юритишга нафақат фуқаролар, балки юридик шахслар ҳам жалб қилинади ва тергов чоғида уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳам ҳимоя қилиниши лозим. Жиноят процессининг судгача босқичларида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни шикоят қилиш субъектлари қаторига киритиш мезонлари фуқаролар учун белгиланган мезонлар билан бир хил ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўзлари ҳам шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар ҳисобланишади. Масалан, тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғи ва уларнинг ўринбосарларининг ёзма кўрсатмалари терговчи бажариши шарт. Агар терговчи бу кўрсатмалар билан келишмаса ёки суриштирувчи ҳам суриштирув органининг бошлиғининг ёзма

⁷⁷ Қўшаев Н.М. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш. – Тошкент: Адолат, 2011. – Б. 27.

кўрсатмасига норози бўлса, улар ёзма кўрсатмани ижросини тўхтатмаган ҳолда назорат қилувчи прокурорга ёхуд прокурорнинг ёзма кўрсатмаси устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилишга ҳақлидирлар. Прокурор суднинг ажримидан норози бўлса юқори турувчи судга шикоят протест келтиришга ҳақли.

Хулоса қилилиб айтсак, юқоридаги барча масалаларни ҳисобга олиб шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга таъриф берсак: Жиноят процессида у ёки бу даражада иштирок этувчи, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳар қандай шахс шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Фуқаролар субъектив ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилиш ҳуқуқи нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам қонунчиликда бирон-бир расмий чеклов мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев.Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга мурожаатномаси Т.: 2020.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Янги таҳрирдаги 2023.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: (2021 йил 1 октябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2022.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Расмий нашр. – Тошкент: “Адолат”, 2021
5. Минаева С.А. Процессуальная деятельность руководителя следственного органа по обеспечению законности в досудебном производстве : дис. ...канд. юрид. наук.– М., 2015.
6. Мамадиев С.Н. Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш. Монография. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010.
7. Қўшаев Н.М. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш. – Тошкент: Адолат, 2011.